



Ватанимиз тарихи ўзбек давлатчилиги тараккиёти бир текисда ўтмаганлиги, унинг ривожидида зафарли ва инкирозли даврлар бўлганидан гувоҳлик беради. Соҳибкирон Амир Темур асос солган салтанат энг йирик ва кудратли давлат бўлганлиги жаҳонга маълум. У ўз ворисларига нафакат кудратли давлатни, шунингдек, салтанат куриш ва давлатни бошқариш конун-қоидалари баён этилган машхур тузукларни қолдирган эди. «... Фарзандларим ва авлодимдан бўлганларнинг ҳар бири,- деб ёзган эди у ўзининг тузукларида,- унга мувофиқ иш юритсин... Бу тузуклардан ўз салтанат ишларини бошқаришда қўлланма сифатида фойдалангайлар, токи мендан уларга етадиган давлат ва салтанат зарару таназзулдан омон бўлгай». Аммо унинг дастури ва васиятларига амал қилинмади. Тахт, ҳокимият илинжида авж олган ўзаро ва ички кураш, жангу жадаллар давлатни заифлаштириб, мамлакатни инкирозга ва парокандаликка олиб келди.

Бухоро хонлиги

XVI аср бошларида заифлашиб бораётган темурийлар салтанатига Дашти Кипчок томондан кўчманчи ўзбеклар давлати ҳукмдори Мухаммад Шохбахт Шайбоний хужуми бошланди. Шайбонийхон 1500-1501 йилларда Самарқанд ва Бухорони, 1504 йилда Хисор вилоятини, 1504-1505 йилларда Урганчни, 1506-1507 йилларда Хуросон пойтахти Хирот ҳамда Балхни, шунингдек, Марв, Астробод ва Нишопур шаҳарларини забт этди. Тошкент, Фаргона, Сирдарё ва Хоразм ерлари Афғонистоннинг Кандаҳор, Заминдовур вилоятлари эгалланди ва Мухаммад Шайбонийхонга қарам бўлиб қолди.

Шайбонийхоннинг Хуросондалигидан фойдаланган козок султонлари Мовароуннаҳрга бир неча марта бостириб кириб, уни талон-тарож қилдилар. 1506-1509 йилларда Шайбонийхон Хуросондан қайтиб келиб, козок султонларига зарба беради ва Дашти Кипчок ичкарасига қувиб боради. Бу юришлар натижасида Сигнок, Ясси, Саврон шаҳарлари қайта қўлга киритилади. Шундай қилиб, Мовароуннаҳр ва Хуросон бирлаштирилди ва Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги қарор топди. Мухаммад

Шайбонийхон «Имом уз-замон, халифат ур-рахмон» унвонини олиб ўз кўлида дунёвий ва диний хокимиятни бирлаштирди.

Шайбонийхон жанубда Эроннинг ички вилоятларига юриш қилади. Машхад ва Тус шаҳарларини эгаллаб орқага қайтади. Эрон шоҳи Исмоил Сафавий катта кўшин билан етиб келади. Шайбонийхон Мовароуннахрдан ёрдамчи кўшинлар келишини кутмасдан жангга киришга мажбур бўлади. 1510 йилда Марв яқинида бўлган жангда Шайбонийхон кўшинлари енгилади, хоннинг ўзи ҳам халок бўлади. Тахтга Шайбонийхоннинг амакиси, Мирзо Улугбекнинг кизи Робия Султон бегимнинг ўғли Кўчкунчихон (1510-1530) чикди. Бирок шайбоний султонлар, беклар жипслашиб Исмоилшоҳга қарши қурашиш ўрнига Шайбонийхон тириклигидаёқ суюргал сифатида таксимлаб берилган вилоятлар ва ерларга эгаллик қилиш билан ўралашиб қолдилар, улар ўртасида ўзаро қелишмовчилик, зиддиятлар авж олди. Бундан фойдаланган Исмоилшоҳ тез орада Хуросон ва Хоразм ўлкаларини, Шимолий Афғонистонни босиб олди. Пойтахти Самарқанд бўлган Мовароуннахрда эса шайбонийлар ҳукмронлиги сақланиб қолди.

Мовароуннахрда 100 йилгача давом этган Шайбонийлар даврида ҳам тинчлик бўлмади, қиргинборот урушлар, ўзаро ички қурашлар давом этди. 1512 йилдан бошлаб Бухоро вилояти ноиб бўлиб келган Убайдулло султон 1533 йилда Шайбонийлар давлатининг Олий ҳукмдори этиб кўтарилди. Убайдулла султон Самарқанддаги Кўчкунчихон авлодлари қаршилиги сабабли олий хокимиятни Бухорода туриб бошқаради ва Бухорони давлат пойтахти деб эълон қилади. Шайбоний Убайдуллахон (1533-1539) даврида Бухоронинг мавқеи ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жихатдан қучайди. Аммо тарқоклик давом этарди, Мовароуннахр XVI аср ўрталарида ҳам мустақил хокимликлардан иборат эди.

Бухорода Абдулазизхон, Самарқандда Абдулатифхон ҳукмдор эдилар.

Тарқокликка барҳам бериш, мамлакатни бирлаштириш долзарб бўлиб турган бир пайтда Абдулла султон майдонга чикди, уни катта мавқега эга бўлган жуйбар шайхлари қўллаб-қувватлади. Абдуллахон Бухоро тахтини эгаллайди. Абдуллахон (1557-1561 йилларда амакиси Пирмухаммад, 1561-1583 йилларда отаси Искандархон олий ҳукмдор деб эълон қилинган бўлсада, амалда ҳукмдор Абдуллахон эди). 1557 йилда Бухорони давлат пойтахти, мамлакатнинг сиёсий-маъмурий марказига айлантиради. Шу боисдан давлатнинг ўзи ҳам Бухоро хонлиги деб аталадиган бўлди.

Абдуллахон сиёсий узок йиллар уруш олиб бориб, 1573 йилда Фарғонани, 1574 йилда Шахрисабз, Қарши, Хисор вилоятларини, 1578 йилда Самарқандни, 1582 йилда Тошкент, Шохрухия, Охангарон ва Сайрамни, 1583 йилда Балхни, 1584 йилда Бадахшонни, 1588 йилда Хиротни, 1595 йилда Хоразмни забт этиб, мамлакатни бирлаштириш ишини уддалади, Бухоро хонлигини қучли ва марказлашган давлатга айлантирди. Бирок ички НИЗО, адоватни бартараф этолмади. Ганимлар Абдуллахонга қарши унинг ўғли Абдулмуминни қайрайди, Абдуллахон билан унинг ўғли Абдулмумин ўртасида тахт масаласида қелишмовчиликдан фойдаланган қозоқ хонларидан Таваққалхон Тошкент вилояти ерларига бостириб қиради. Унга қарши сафарга отланган Абдуллахон Самарқандга етганда вафот этади. Абдуллахон ўрнига тахтга кўтарилган Абдулмумин 6 ойча ҳукмдор бўлди, у отасининг амирларидан бири-Абдулвосеъ томонидан отиб ўлдирилди. Тахтга чиккан сўнги Шайбоний Пирмухаммад ҳам 1601 йилда Самарқандда Боки Мухаммад билан бўлган жангда халок бўлди. Шайбонийлар сулоласи барҳам топди.

Шайбонилар Сулоласи (1500-1601)

Мухаммад Шайбонихон -1500-1510
Кўчкунчихон -1510-1530
Абу Саидхон -1531-1533
Убайдуллахон -1533-1539
Абдуллахон I -1539-1540
Абдулазизхон (Бухорода) -1540-1550
Абдулатифхон (Самаркандда) -1540-1551
Наврўз Ахмадхон (Барокхон) -1551-1556
Пирмухаммадхон I -1557-1561
Искандархон -1561-1583
Абдуллахон II -1583-1598
Абдулмўминхон -1598-1599 (6 ой)
Пирмухаммадхон II -1599-1601

1601 йилдан эътиборан Бухоро хонлигида ҳокимият аштархонийлар (Жонийлар) сулоласи кўлига ўтади. 150 йилча (1601-1753) ҳукмронлик қилган Аштархонийлар сулоласи даврида Бухоро хонлигида тинчлик, осойишталик бўлмади. Хонлик вилоятларида ҳукмронлик қилувчи амирлар ва бекларнинг ўзбошимчилиги, марказий ҳокимият амалдорлари ўртасидаги ўзаро келишмовчилик, ур-йикит мамлакат тинқасини қуритиб борарди. Буни Аштархонийлар сулоласидан Бухоро тахтига кўтарилган ўнта хондан иккитасининг тахтдан ағдарилгани, тўрттасининг тахт устида ўлдирилгани ҳам яққол кўрсатади.

Аштархонийлар сулоласи (1601-1752)

Боки Муҳаммад
Вали Муҳаммад
Имомқулихон
Нодир Муҳаммадхон
Абдулазизхон
Субхонқулихон
Убайдуллахон
Абулфайзхон
Абдулмўмин (сохтагон)
Убайдулла султон (сохтагон)

Бухоро амирлиги

Бухоро давлатининг заифлашиб қолганлигидан фойдаланган Эрон шохи Нодиршоҳ XVII асрнинг 30-40-йилларида Бухоро хонлигига юриш қилади. Нодиршоҳ Бухоро хонлигида қатта маъкега эга бўлган мангит уругидан чиққан оталик Муҳаммад Ҳакимбий билан шартнома тузади ва у Бухоро хонлигининг олий ҳукмдори деб тан олинади. Абулфайзхон амалда ҳокимиятдан четлатиб қўйилади, Ҳакимбий Бухоронинг тўла вақолатли ҳокими этиб тайшшанади. 1743 йилда Ҳакимбий, унинг ўгли Муҳаммад Раҳим Нодиршоҳ хизматиға қиради. Нодиршоҳ 1747 йилда вафот этгач, Муҳаммад Раҳим ҳокимиятни ўз қўлиға олишға қиришади.

Бухоро хонлигида қатга нуфузға эга бўлган мангит қабиласининг вақили Муҳаммад

Рахим 1747 йилда Абулфайзхонни, сўнгра расман хон деб (сохта хон) эълон килинган унинг ўғиллари Абдулмўмин ва Убайдулло султонларни ўлдириб, хокимиятни ўз кўлига олади. Мухаммад Рахим 1756 йилда тахтга ўтириб, ўзини Бухоро амири деб эълон қилади ва хокимиятни мустақил идора қилади, Мангитлар сулоласига асос солади. Шундан эътиборан Бухоро хонлиги Бухоро амирлиги деб атала бошланди. Амирликда хокимият 1920 йилгача Мангитлар сулоласи кўлида бўлди.

Мухаммад Рахим хукмронлигини беклик-вилоятлардаги бошка кавмлардан бўлган хокимлар тан олмадилар. Амир мангитларга таяниб хокимиятни марказлаштиришга интилди. Барча қабилаларнинг хукмдорларини Бухорога йигиб, улардан марказий хокимиятга бўйсуннишни талаб қилди, акс холда каттик жазоланиши хақида огохлантирди. Вилоятлардаги кўпгина хокимлар, бебош амалдорлар хокимиятдан четлаштирилиб, ер-мулки тортаб олиниб бошка жойларга кўчирилди. Улар ўрнига амир қабилаларидан тайинланди. Мухаммад Рахим Бухоро минораси ёнидаги ўз қароргоҳини махсус қурдирган Арққа кўчирди. Ўзбошимча бекларни Арққа чақириб каттак жазолади. Таркокликни бартараф этиш мақсадида кўпгина бекликларга - Самарқанд, Жиззах, Ўратепа, Хисор, Бойсун, Шахрисабзга қарши қонли урушлар қилди, кўпгина вилоятлар вайрон бўлди. Мухаммад Рахим Нуротада истикомат қилувчи бургут қабиласи кўзғолонини бостириб, уларнинг қарбий истехкомларини бузиб ташлаб, ўзларини Бухоро туманига кўчирди. Миёнқалъа қипчоқларига ҳужум қилиб, истехкомларини бузиб ташлайди, йўлбошчиларини қатл этиб, қолганларини кўчириб юборади.

Мухаммад Рахим вафотидан кейин ўзаро урушлар янада қучайди. Вилоят хукмдорлари мангитларнинг марказий хокимиятига қарши кўзғолонлар қўтарди.

Кенағас, юз, баҳрин, бургут, сарой қабилаларининг кўзғолонлари, хокимиятга ўтирган Дониёлбийнинг уларни бостириш учун қилган урушлари минглаб одамларнинг ёстигини қуритди. Дониёлбий кўшинлар қаражати учун қўшимча солиқлар қорий этиб аҳоли қорозилигини оширди. Бухоро ҳунармандлари ва тижорат аҳди 1784 йилда кўзғолон қўтарди. Кўзғолонни бостириш қараёнида минглаб одамлар қурбон бўлди.

Амир Маъсум («беғуноқ амир») деб ном олган Шохмурод (1785-1800 йиллар) таркокликка қарши қурашни давом эттирди. Амир Шохмурод бошқарув тартибини ўзгартириш, амалдорлар тартибини янгилаш қораларини қўрди. Амир икки йирик давлат арбоби - Давлат қушбеғи билан Низомиддин қозикалонни сарой, қўшин ва бошка соҳадаги амалдорлар ҳузурида ўз қўли билан ўлдирди. Солиқларни тартибга солиди. Бухоро аҳолисига тархан ёрлигини топширди. Унга биноан аҳоли савдо қаромадидан бож тўлашдан, ҳунармандлар қул йигимидан, мажбурий меҳнат ва солиқлардан озод этилди. Шунингдек, қирож, қироқ пули, тарози қироқ ва бошка йигимлар қирдори қармайтирилди. Шохмурод қариди Бухоро амирлиги қисбатан мустақамланган бўлсада, ўзаро урушлар тўхтамади. Қарбий қегараларда эса Қива қони қўшинлари ҳужумга ўтар, экинзор ва боғлар қайқон қилинар, қишлоқлар вайрон бўлар, одамлар ва қорва қоллар қайдаб қетилар эди.

Қива қонлиги

Қоразм XV қор оқирини - XVI қор бошида теқурий Султон Қусайн Бойқаро боқшиқ давланнинг бир қисми эди. 1505 йилда Мухаммад Шайбонийқон қўшинлари Қоразмни эгаллади ва қўнқирот уруғидан Қепакбий Қоразмга хоким этиб тайинланади. Эрон шоқи Исмоил билан жангда Мухаммад Шайбонийқон қалок бўлгандан кейин Қоразм

Исмоилшоҳ томонидан забт этилади. Исмоилшоҳ Хоразмни ўз давлати тасарруфига киритгач, Вазир, Урганч ва Хива шаҳарларини бошқариш учун 3 та доруга (хоким) тайинланади.

Хоразмда Исмоилшоҳ хукмронлиги узокка бормади. Хоразмда Исмоилшоҳ хукмронлигига қарши ҳаракат бошланди. Бу ҳаракатга Вазир шаҳри қозиси Умар қори ва Сайид Хисамиддин етакчилик қилди. Улар Шайбон авлодидан бўлган Берка султоннинг ўғли Элбарсхонга мурожаат қилиб, хон бўлишни таклиф қилдилар. Элбарсхон 1511 йилда қўшин билан келиб Вазир, Урганч, Хива, Хазораспни Исмоилшоҳ қўшинларидан тозалади, Хоразмда Элбарсхон ҳокимияти ўрнатилди. Шундай қилиб, 1511 йилда мустақил Хива хонлиги ташкил топди, Элбарсхон унинг биринчи хони бўлди. Хивада шайбонийлар сулоласи хукмронлиги 1770 йилгача давом этди. Хива хонлиги пойтахти Урганч эди. XVI аср охири - XVII аср бошларида Амударё ўзанининг ўзгариши муносабати билан Урганчнинг маъкеи пасайди, аҳолиси қулайроқ жойга қўчиб бориб жойлашади ва бу ерда Янги Урганч шаҳри пайдо бўлади. Бу орада Хива шаҳрининг маъкеи қўтарилади. 1556 йилда Аванешхон Хивани давлат пойтахти деб эълон қилади, бироқ у ўз хукмронлигини фақат Хивадагина ўткази олар эди. Араб Муҳаммадхон (1602-1623) даврида Хиванинг маъкеи қучайиб, хонликнинг расмий пойтахтига айланди. Хива хонлиги тасарруфига Амударё қуйи оқимидаги воҳалар, Мангишлок, Дахистон (Машхад) ва Ўзбой атрофидаги қўчманчи туркман ҳудудлари қирарди. Бироқ, хонликда тинчлик бўлмади. Узок йиллар давомида хонлик тепасида турган ўзбек қабилалари билан туркман қабилалари ўртасида, шунингдек, шахзодалар ўртасида тинимсиз урушлар бўлиб турди. Хива ва Бухоро хукмдорлари ўртасида Мурғоб дарёси бўйлари учун, Марв учун қирғинборот урушлар бўлиб турар, бу ҳудудлар қўлдан-қўлга ўтарди. Хонликка шимолдан қалмоқлар, қозоқлар, Урал қозақлари тез-тез ҳужум қилиб қалокатлар қелтирарди. XVII аср ўрталарида Эрон шоҳи Нодиршоҳ, унинг ўғли Насрулло Хива хонлигини босиб олиб, ўз бошқарувини ўрнатди, туркман қабилаларини Хоразмдан Хуросонга қўчирди. Бироқ Хива хонлигида тинчлик бўлмади. Эрон хукмдорларига қарши тез-тез ғалаёнлар бўлар, аҳоли боши оққан томонга кетарди. Шундай вазиятда хонликдаги ўзбек қабилаларидан Қўнғирот уругининг боқшиги Муҳаммад Амин иноқ 1770 йилда ҳокимиятни қўлга олди ва Хива хонлигида янги сулола - Қўнғирот сулоласига асос қўлади (бу сулола 1920 йилгача хукм сурди).. Муҳаммад Амин Иноқ туркманлар қўзғолонини бостирди, Бухоро хукмдорининг ҳужумини даф этди ва Хива хонлигидаги вилоят ҳокимларини марказий ҳокимиятга бўйсундирди.

Қўқон хонлиги

Бухоро хонлигидаги ички қурашлар, марказий ҳокимиятнинг заифлашуви сабабли, у XVII аср бошларида иккига бўлиниб кетди. Аштархонийлар хукмронлигининг заифлашуви оқибатида Фарғона водийсига унинг шимолида ташкил топган Жунгарлар давлати тез-тез бостириб қирадиган, талон-тарож қиладиган бўлиб қолди. Бундай вазият Фарғонадаги ички қурашнинг бирлашувига, мустақил давлат тузишга интилишини қучайтирди. Фарғона водийсининг ҳудудий яхлитлиги ва иқтисодий имкониятлари, унинг Бухоро хонлигидан ажралиб чиқишга қулай омил бўлиб хизмат қилди.

Чуст яқинидаги Чодақ қишлоғида яшовчи хўжалар жамоаси (дин пешволари)нинг маъкеи XVIII аср бошларидаёқ Фарғонада анча қучайиб, 1709 йилда ўз ер-мулкларини мустақил деб эълон қилади ва водийда ҳокимиятни қўлга олишга интиладилар. Бироқ уларнинг ҳокимияти бошқа қабилалар томонидан тан олинмади. Бир гуруҳ харбий зодагонлар

Риштонда кўзголон кўтариб, Фаргона хоками Хўжа Аширкулни ўлдирадилар. 1710 йилда Кўкон атрофида яшаб турган ўзбек кабилаларидан бири - минглар ўз етакчиси Шохрухбийни хокимият тепасига кўтарадилар. Шу тарика, Кўкон хонлиги ташкил топди, ўзаро ички курашлар боткогига ботиб колган Бухоро хони Убайдуллахон ўзига карашлли худуднинг ажралиб чикиб, алохида давлат тузишига каршилик кўрсатолмади. Кўкон хонлигида минг кабиласи сулоалари 1876 йилгача хукмронлик килди. Кўкон шаҳри четида жойлашган Тепакўргон Кўкон хони Шохрухбийнинг кароргохига айлантирилди. Тепакўргонда мустахам калъа, бозор ва ахоли яшайдиган махаллалар курилди.

Кўкон хонлари Фаргона водийсини, Хўжанд, Ўратепани бирлаштиргач, Кўкон хонлигининг мустакиллиги XVIII аср ўрталарида Бухоро давлати томонидан тан олинди. XVIII аср охирларида Кўкон хонлари Тошкентни бўйсундиришга киришдилар. 1784 йилда Шайхонтохур дахаси собик хокимининг ўгли Юнусхўжа Тошкентни Бухоро тобелигидан чиқариб, мустакил сиёсат юритарди. Тошкент беклиги ўзига хос бошқарув тизимига эга эди. Юнусхўжанинг тўрт маслахатчиси бўлган. Тошкент шаҳар назорати ва солик йигиш Бошхўжанинг кўлида бўлиб, савдо-сотикни кози ва девонбеги назорат килишган. Шариат конун-қоидалари, нарх-наво, ўлчовлар устидан Раис лавозимидаги амалдор назорат кижан. Юнусхўжа XVIII аср охирларида козок султонлари хужумларини бартараф этиб, Сайрам, Чимкент, Туркистон, Курама, Корабулок шаҳарларини Тошкентга бўйсундирган эди. Тошкент беклиги мавкеининг ошиб бориши Кўкон хонларига ёкмади. 1799 йилда Кўкон хукмдори Норбўтабий Тошкента юриш килди, аммо Чирчик бўйидаги жангда маглубиятга учради.

1805 йилда Кўкон хукмдори Олимбек хон унвонини кабул килади ва шу пайтдан эътиборан Фаргонада ташкил топган давлат расман Кўкон хонлиги деб атала бошланди. Юнусхўжа вафотидан кейин Кўкон хони Олимхон кўшинлари юриш килиб, 1809 йилда Тошкентни ва унга карашли Чимкент, Сайрам ва бошқа худудларни Кўкон хонлигига бўйсундиради. Кўкон хонлиги худудий жихатдан йирик давлатга айланди. Шундай килиб, асрлар давомида ягона худудда, ягона иктисодий ва маданий маконда яшаб келган халқ, мамлакат уч қисмга бўлиниб кетди. Учта давлат - Бухоро амирлиги, Хива ва Кўкон хонликлари вужудга келди.